

## A NEW HISTORICAL STAGE IN THE COOPERATION BETWEEN THE UZBEKS OF CENTRAL ASIA AND THE UZBEKS OF UZBEKISTAN (2016-2020)

Yuldashev Akmal Bakhtiyorovich

Doctoral Student of Bukhara

History Department of Bukhara State University.

### SUMMARY

This article scientifically examines the main directions and historical experience of cooperation between Uzbeks in Central Asia and Uzbeks in Uzbekistan through the analysis of sources.

**Keywords:** Central Asia, independence, Uzbeks, national, friendly societies, national-cultural center, kinship, marriage, border post, treaty, charter, diaspora, culture, tradition.

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Марказий Осиё давлатларидаги ўзбеклар билан Ўзбекистон ўзбеклари ҳамкорлик алоқаларининг янги йўналишлари ва тарихий тажрибаси манбалар таҳлили орқали илмий жиҳатдан тадқиқ қилинган. Шунингдек, ўзаро ҳамкорликнинг истиқболдаги ривожланиш асослари, бу борада мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими ҳақида мушоҳада юритилган.

**Калит сўзлар:** Марказий Осиё, мустақиллик, ўзбеклар, миллий, дўстлик жамиятлари, миллий-маданий марказ, қавм-қариндошлик, қуда-андачилик, чегара пости, шартнома, устав, диаспора, маданият, анъана.

### INTRODUCTION

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ички сиёсатида кескин ўзгаришлар минтақа давлатлари ҳаётида ҳам ижобий таъсирини кўрсатиб, қўшни мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликда очиқлик, ошқоралик, янгилашни ва ўзгаришларга олиб келди. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг Марказий Осиёдаги асосий мақсади – ўз ҳудуди атрофида тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик муҳитини яратиш, минтақа давлатлари билан дўстлик, яхши қўшничилик, ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш ва мустақамлашдан иборат. Шавкат Мирзиёев юритаётган оқилона ташқи сиёсати натижасида Марказий Осиё республикалари билан муносабатлар юмашаб, минтақадаги тинчлик, осойишталик ва иқтисодий тараққиёт ўзининг янги босқичига кирди. Бу жараёнларга Марказий Осиё ўзбекларининг иштироки муҳим тарихий воқелик ҳисобланади. Умуман олганда, Марказий Осиё минтақасида кўпчиликти ташкил этувчи ўзбеклар Ўзбекистондаги ўзгаришлардан манун ва манфаатдордирлар. Чегараларнинг очилиши биринчи навбатда қавм-қариндошлик ришталарини боғлаган бўлса, иккинчи навбатда ўзлари яшаб турган мамлакатларда уларга нисбатан муносабатнинг ижобий томонга ўзгаришига олиб келди. Учинчидан, асосан Ўзбекистон билан чегара ҳудудларда яшовчи ўзбекларда савдо-сотик муносабатларини қайта ташкил этиш имкониятлари шаклланиб, уларнинг иқтисодий салоҳиятларини оширишга шароит яратди. Қолаверса, ўзбекларнинг Ўзбекистон билан

алоқаларининг кенг йўлларини очиб берилиб улар ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, илмий-адабий, маданият ва санъат каби тармоқларда ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиб, 2016-2020 йиллар давомида ташқи сиёсат ва иқтисодий фаолият бўйича юқори даражадаги 128 та ташриф уюштирилган. Тошкентда илм-фан, санъат, маданият ва дин арбоблари, ишбилармонлар, ёшлар, сайёҳлик, спорт, жамоат бирлашмалари ҳамда нодавлат-нотижорат ташкилотлари иштирокида 210 дан ортиқ турли учрашувлар, видеоконференциялар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар ўтказилган. Ушбу учрашувларда Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон республикаларидаги миллий-маданий марказ вакиллари, ўзбек тилидаги ўзбек матбуоти журналистлари, тадбиркорлар ва ишбилармонлар, адабиётшунослар, илм-фан намоёндалари, санъаткорлар ва спорт усталари иштирок этишди.

Энг асосийси минтақа давлатлари раҳбарларининг мунтазам маслаҳат учрашувлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг яқдил қарорлари билан минтақадаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат сезиларли даражада ўзгарди. Жумладан, 2017-2019 йилларда Марказий Осиё давлатлари билан савдо айланмаси 5,2 миллиард долларни ташкил этиб, йилҳисобига 50 фоизга ўсишга эришган. 2020 йил статистик маълумотларига кўра, глобал пандемияга қарамай, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан умумий савдо айланмаси 5 миллиард долларга етган. Жумладан, Ўзбекистоннинг Қирғизистон билан товар айланма ҳажми 903 миллион доллардан ошди. Экспорт 756,6 миллион долларни, импорт 146,5 миллион долларни ашқил этиб, бу кўрсаткич 2016 йилдагига нисбатан 5,4 баробар кўп ҳисобланади.

Айниқса, Ўзбекистоннинг умумий ташқи савдо айланмасида Марказий Осиё давлатларининг улуши 2019 йилдаги 12,4 фоиздан 2020 йилда 13,6 фоизга ошди, бунда Қозоғистон улуши 61 фоизни, Қирғизистон 18,2 фоизни, Туркманистон 10,6 фоизни ва Тожикистон 10,2 фоизни ташкил қилди. Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг яхшиланиши натижасида 2017–2020 йиллар мобайнида Ўзбекистон ва минтақа давлатлари ўртасида 300 дан ортиқ шартнома ва 75 миллиард долларга яқин битимлар имзоланди. Ушбу битимлар вужудга келишида Марказий Осиё ўзбекларининг ўзига хос улуши борлиги кишини қувонтиради.

“Ўзбекистоннинг Марказий Осиёга нисбатан очиқ, конструктив ва прагматик сиёсати натижасида кўплаб муаммолар ҳал бўлди. Жумладан, сувдан фойдаланиш тартиблари, Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлар ўртасидаги давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиниши, транспорт коммуникациялари ва давлат чегараларини кесиб ўтиш кабиларни алоҳида эътироф этиш лозим” деб таъкидлайди сиёсатчи олим, Сўғд “Ўзбек маънавият-маърифат маркази” раҳбари Илҳом Юсупов.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатларига нисбатан яхши сиёсати глобал пандемия даврида минтақа раҳбарларининг бир-бирига ёрдам бериш ва коронавирус тарқалишининг таъсирини юмшатиш бўйича биргаликда амалга оширган чораларидан далолат беради. Минтақадаги давлатлар коронавирус инфекцияси тарқалишининг илк кунлариданоқ бир-бирига гуманитар ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистон бир неча бор Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонга инсонпарварлик ёрдами юборди. Бунга

жавобан Қирғизистон ва Тожикистон ҳам Сардоба сув омборини тиклаш учун гуманитар ёрдам кўрсатди.

2020 сентябр ойида Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти Спитамен туманида асосан ўзбек миллати вакиллари истиқомат қилиши инobatга олиниб 2 та янги мактаб, Хатлон вилоятининг Кўбадиён туманида 200 ўринли шифохана қуриб берилди. Спитамен туманидаги 630 ўринга мўлжалланган мактабнинг очилиш Маросимида Ўзбекистон халқ таълими вазири Шерзод Шерматов ва Тожикистон таълим ва фан вазири Муҳаммадҷосуф Имомзодалар иштирок этди. 2020 йил декабрь ойида Ўзбекистон кўмагида Қирғизистонда 200 ўринли ва зарур тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган юқумли касалликлар шифохонаси фойдаланишга топширилди.

Миллий-маданий марказлар, дўстлик жамиятлари ва хорижий ватандошлар билан алоқа ўрнатиш бўлими орқали алоқаларни ривожлантириш 2016 йилдан кейин янги босқичга кўтарилди. Айниқса 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси” ташкил топгандан сўнг бу борадаги ишлар ижобий ўзгаришлар юз берди. 2017-2020 йилларда ушбу кўмита ҳузуридаги Ўзбекистон-Қозоғистон, Ўзбекистон-Қирғизистон, Ўзбекистон-Тожикистон, Ўзбекистон-Туркманистон дўстлик жамиятлари, хориждаги ватандошлар билан алоқа бўлими томонидан илмий-амалий семинарлар, давра суҳбатлари, кўرғазмалар, мусиқий-бадий кечалар, концертлар, учрашувлар шаклидаги тадбирлар ташкил этилди.

Биргина 2017 йилда Чимкент шаҳрида Қозоғистон ўзбеклари этно-маданий бирлашмалари “Дўстлик жамияти” билан биргаликда 8 март халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб “Муқаддас аёл” номли концерт дастури уюштирилди. Концертда ўзбек санъати усталари, Ўзбекистондан борган ўзбек вакиллари билан Қозоғистонлик ўзбеклар ўртасида маданий алоқалар соҳасида мулоқотлар ташкил этилди. Шу йилда Бишкек (Қирғизистон)да ўтказилган “Қирғиз-ўзбек адабиёти дўстликнинг олтин кўприги” мавзусидаги адабий мусиқий кеча доирасида Қирғизистондаги ўзбек миллий-маданий маркази раиси ва фаоллари билан учрашувлар бўлиб ўтди. 2017 йилда Ўш вилоят кутубхонасида ўтказилган Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунлари (9 февраль, 14 февраль) тадбирларида ўшлик ўзбеклар иштирок этди. Ўшлик ўзбеклар томонидан улуғ адибларнинг ижодидан ва асрларидан намуналар ижро этилди, 2017-2018 йилларда Тожикистон Республикасидаги ўзбеклар билан алоқалар анча кучайди.

2018 йил Ўзбекистон-Тожикистон ҳамкорлигининг янги истиқболлари сари махсус телекўрсатувда Тожикистондаги “Сўғд вилояти ўзбеклар маънавият ва маърифат маркази” раиси И.Юсупов, марказнинг “Шарқнома” журнали бош муҳаррири Ж.Пиримов ҳамда “Маънавият” газетаси бош муҳаррири Ҳ.Зокировлар иштирок этди. Телекўрсатувда ўзбек-тожик дўстлиги, Тожикистондаги ўзбеклар ҳаёти, уларнинг истак ва интилишлари ҳақида маълумотлар берилди. Икки давлат ҳамкорлигининг 2018-2019 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” асосида “Ўзбекистон-Тожикистон” дўстлик жамияти тузиш ишлари бошланди. Шунингдек, икки мамлакат миллатлараро кўмиталари ўртасида ҳамкорлик қилишнинг мемаорандуми имзоланди. 2018-2020 йилларда Ўзбек миллий-



маданий марказларига ўзбек тилидаги адабиётлар етказиб беришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 2019 йилда Туркистондаги Шимкент Қозоғистон ўзбеклари этно-маданият бирлашмалари, “Дўстлик” ҳамжамиятига 162 номдаги 435 та адабиёт намуналари етказиб берилди. Ушбу каби ўзбек адабиётлари Қирғизистон, Тожикистон ўзбеклари миллий уюшмалари манзилига ҳам юборилди.

2018 йил 31 июн куни Тошкентда “Ўзбекистон-Тожикистон” дўстлик жамиятининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси вакиллари ва мамлакатдаги тожик диаспоралари фаоллари иштирок этишди, деб хабар берди Асиа Плус агентлиги. Ўзбекистон сув хўжалиги вазири Шавкат Хамраев бир овоздан “Ўзбекистон-Тожикистон” дўстлик жамиятининг раиси этиб сайланди, деб хабар қилинди Тожикистон ташқи ишлар вазирлигидаги манбага асосан. Учрашувда икки давлат ўртасидаги муносабатларни халқ дипломатияси - маданият, санъат, фан ва таълим соҳаларида қўшма лойиҳаларни ташкил этиш орқали мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

2017 йил август ойида Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоннинг фармони билан мустақиллик йилларида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш, кенгайтириш ва ривожлантиришга катта ҳисса қўшган, шунингдек, дўстлик ва яхши қўшничилик, маданий, гуманитар, ижтимоий-иқтисодий ва илмий алоқаларни тиклашда қўшган улкан ҳиссаси, тожик ва ўзбек халқлари фаровонлиги йўлида икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама самарали ҳамкорликни тарғиб қилганлиги сабабли Ўзбекистон сув хўжалиги вазирлиги раҳбари Шавкат Хамраевни Тожикистон Республикасининг 1-даражали “Шараф ордени” билан тақдирланди. Сўнгги йилларда Марказий Осиё ўзбекларининг Ўзбекистон билан алоқаларини жонланишида чегараларнинг очилиши ва ўтказиш пунктларининг ишга тушиши муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, 2017 йил 6 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон-Қирғизистон давлат чегарасида “Дўстлик” пункти иш бошлаган бўлса, 2019 йил 30 августдан бошлаб “Риштон” – “Қайтпас”, “Тул” – “Отукчу”, “Ленбург” – “Апкан”, “Девайрам” – “Бўз-Адир” ўтказиш пунктлари иш бошлади. 2018 йилнинг 1 мартидан Ўзбекистон – Тожикистон черасидаги “Жартепа” – “Саразм”, “Кушкент” – “Ўратепа”, “Учқўрғон” – “Ҳавотоғ”, “Ховособод” – “Зафаробод”, “Бекобод” – “Хаштяк”, “Поп” – “Навбунёд”, “Равот” – “Равот”, “Тулбаҳор” – “Айваж” каби автомобиль йўлларидаги пунктлар, шунингдек, темир йўл чизиғидаги “Амузанг” – “Ҳошади” пунктлари ўз фаолиятини қайта тиклади.

Марказий Осиёдаги ўзбек зиёлилари маданий-гуманитар ҳамкорлик тадбирларида, Ўзбекистон билан ҳамкорлик корхоналари орқали тижорий алоқаларда ҳам иштирок этимоқдалар. “Ўзбек халқининг тили, маданияти ва анъаналари” мавзусига бағишланган тадбирлар доирасида ўзаро алоқаларнинг янги усуллари ҳамда йўналишлари шаклланимоқда. Бироқ “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси” фаолиятида фойдаланилмаган имкониятлар кўзга ташланади. Марказий Осиё ўзбеклари билан ўтказиладиган тадбирлар доирасини янада кенгайтириш, телекўприк, радиокўприк кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этиш, ўзбек миллий-маданий марказлари учун адабиёт етказиб беришни кўпайтириш, чет эллик ўзбеклар асарларини Ўзбекистонда чоп этириш кабилар бу борада кутилаётган натижаларни беради. Хуллас, Марказий Осиё давлатларидаги ўзбекларнинг Ўзбекистон

Ўзбеклари билан ҳамкорлик алоқаларидаги йўналишлари кенгайиб, бу борада бой тажриба тўпланмоқда.

### ФҲЙДАЛАНГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. ЎзМА М-57фонд, 1-рўйхат, 671-йиғма жилд. 9, 10, 11, 12-варақлар.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг жорий архиви. Марказий Осиё ва МДХ давлатлари билан алоқлар бўлими ҳужжатлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг жорий архиви. 2017-2020 йиллар ҳисоботлари. (юқоридаги маълумотлар 4 йиллик ҳисоботларни умумлаштириш натижасида шакллантирилди).
4. Ўзбекистон Миллий Архиви, М-2-фонд, 1-рўйхат, 167 йиғма жилд; 1, 2, 4, 5-варақлар.
5. Ўзбекистон Миллий Архиви, М-2-фонд, 1-рўйхат, 167 йиғма жилд; 6,7-варақлар.
6. Ўзбекистон Миллий Архиви, М-2-фонд, 1-рўйхат, 211- йиғма жилд; 18-19-варақлар, Шахсий суҳбат материаллари, 2019 йил 17-19 март.
7. Ўзбекистон Миллий Архиви, М-2-фонд, 1-рўйхат, 198- йиғма жилд; 48, 50-варақлар.
8. Ўзбекистон Республикаси ХАМА жорий архиви, 2005. 2011 йиллар ҳисоботлари, 3, 5-саҳифаларда.
9. Ўш садоси газетасининг 2019 йил 7 сентябр 37 (11101)-сони.
10. Сўғд ҳақиқати газетасининг 2018 йил 3 март 21 (2465)-сони.
11. Муаллифнинг шахсий муҳбат материаллари. С. Давлатова билан суҳбат. 2021 йил 16 октябрь.
12. Интернет маълумоти: URL: <https://nuz.uz/uz/zhamoat/1193620-ўzbekiston-қirғiziston-қўр-қirrali-ҳamkorlikda-yangi-davr.html>.
13. Интернет маълумоти. URL: <https://kun.uz/news/2020/09/28/tojikistonda-ozbekiston-tomonidan-qurilgan-maktab-ochildi/>

**Йўлдошев Акмал Бахтиёрович**

**БухДУ Бухоро тарихи кафедраси докторанти.**

**Юлдашев Акмал Бахтиярович**

**докторант БухГУ кафедраси Историја Бухары**

**Yuldashev Akmal Bakhtiyorovich**

**doctoral student of Bukhara history department of Bukhara State University.**

